



Бугунги кунда озик-овкат дўконларининг деярли хаммасида "халол" белгиси кўйилган махсулотларни учратиш мумкин.

Гўшт ва колбаса махсулотларига бундай белги кўйилиши ушбу махсулотларни тайёрлашда ислом шариати коидаларига риоя килинганлигини билдиради. Бирок сотувдаги махсулотларнинг хаммаси хам харидор ишончини козона олмайди.

Ўқувчимизнинг куйидаги хатида шулар хакида ёзилган: Ассалому алайкум! Мен муслима аёлман, шу муносабат билан халол гўшт ва колбаса махсулотларини сотиб олишда маълум кийинчиликларга дуч келаман. Шахар дўконларида "халол" деб ёзилган гўшт ва колбаса махсулотларини кўплаб учратиш мумкин, бирок ушбу махсулотларнинг мазаси яхши хушхўр деб бўлмайди.

Яқинда хорижга дам олишга боргандим. Олмон дўкон/маркет/ларининг бирига кириб, "халол" белгили махсулотларнинг хилма-хиллиги хайратда колдирди, колбаса ва сосискалар мазаси ва хушхўрлиги ажаблантирди.

Билишимча дунёнинг кўп давлатларида халол махсулот ишлаб чиқариш барқарор соха сифатида тадбиркорларни ўзига жалб қилгани холда, халки асосан мусулмонларнинг муқаддас китобида кўрсатилган коидаларга риоя этиши лозим бўлган Озарбайжонда негадир бундай махсулотлар тури жуда кам етиштирилади.

Сотувда "халол"лик белгиси кўйилган махсулотларнинг халоллигига канчалик ишониш мумкин, деган яна бир савол мени ташвишга солади.

Сохта "халол" белгилари хакида оммавий ахборот воситаларида шунингдек танишлар билан бўлган суҳбатларда хам кўп мартаба эшитиб тураимиз. Ўқиб эшитганларимиз канчалик хақиқат эканлигини билиш истагида хурмат билан Марям Мамедова.

Колбаса махсулотларига чўчка гўшти кўшиладини

Бутун дунё мусулмонлари учун "Халол"лик белгиси ушбу махсулотни тайёрлашда шариат конун коидаларига риоя килинганлигини тасдиқлайди.

Бирок озод истеъмолчилар иттифоқи рахбари Аюп Гусайнов Озарбайжонда "халол" белгиси остида сохта "халол" махсулотларининг хам сотилиши хакида куйидагиларни айтди:

"Мутахассисларимиз ўтказган мустақил тадқиқотлар "халол"лик белгиси ила сотувда бўлган колбаса ва сосискалар аслида халол эмаслигини кўрсатди. Ишлаб чиқарувчилар бу холатни яшириб хам ўтиришмади. Тадбиркорларнинг баъзи бирлари мен билан шахсий суҳбатда "халол" колбаса ишлаб чиқаришда чўчка гўшtidан фойдаланишини тан олган. Англашимизча улар ишлаб чиқариш давомида шариатнинг бошка талабларига хам риоя қилишмайди" - дейди А.Гусайнов.

Колбаса ишлаб чиқаришда чўчка ёғи махсулотнинг асосий таркибий қисми эканлиги ва ўрнига думба ёғи ишлатиш қимматга тушиши шундай сохтакорликларга олиб келмокда. Бу Озарбайжонда "халол" гўшт махсулотлари ишлаб чиқарувчилар йўқ дегани эмас,

табийки шаърий “халол” гўшт махсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча корхона бор – дейди А. Гусайнов.

Хозирги кунда ҳақиқатдан ҳам “халол” махсулотлар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатни Ковкоз мусулмонлари идораси (КМИ) бермоқда. КМИ вакиллари бевосита корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиригача кузатиб иш давомида шариат қоидаларига риоя қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг “халол” сертификатини бермоқдалар.

КМИ матбуот хизмати раҳбари Р. Дадашевани сўзларига қараганда “халол”лик сертификати факатгина икки компанияга берилган, буларнинг бири Баку шаҳридаги “SAB” ва иккинчиси Ганжа шаҳридаги “Halal Qida”, бу корхоналарда чўчка ёғи ўрнига думба ёғи эмас балки товук териси ва сув ўсимликлари қоришмасидан фойдаланилади. Шунинг учун “халол”лик махсулот таннархига таъсир қилмаган.

Сохтакорликларга чек қўйишнинг ягона йўли – “халол” стандартини расман жорий этишдир.

Давлат стандартлаштириш ва метрология қўмитаси райиси Рамиз Гасанов – бир қатор ислом давлатларида жумладан Озарбайжонда шундай стандартни жорий этиш йўлида ҳаракатлар қилинмоқда, деди.

Хозирги вақтда чўчка гўшти ва ёғи ишлатилмайдиган янги техник усулда гўшт махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Бирок колбаса ва сосиска ишлаб чиқариш стандарти шартларида чўчка ёғи қўйиш назарда тутилган. Шунинг учун махсулотларга қўйилган “халол”лик белгиси махсулотлар савдо маркаси сифатида қўриш мумкин. Асло ишлаб чиқариш стандарти белгиси сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Бу кизик

Бугунги кунда халол-бизнес саноати бутун дунёда ривожланаётган сердаромат соҳага айланди.

Малазияда чоп этиладиган Halal journal келтирган маълумотга қўра бугунги кунда озик-овқат дунё бозорининг 16% халол махсулотларни ташкил этади. Аргентина ва Бразилиядан халол белгиси қўйилган товук, Янги Зеландия эса халол қўй махсулотларини дунё бўйлаб таркатади. Tesco, McDonalds ва Nestle каби дунёга танилган компаниялар мусулмонлар учун махсулотлар тайёрлашни доимо ошириб бормоқдалар. Кўпгина давлатларда “халол” ресторанлар очилмоқда. Хўрандалар ушбу ресторанларда егуликлари шариат қонунлари асосида тайёрланганига шубҳасиз ишонишлари мумкин.

Американинг ConAgra, Tyson, Oskar Mayer каби компаниялари охириги йиллар мобайнида халол гўшт махсулотлари савдосини 70% га оширди.

“Халол” стандарт шартларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш Озарбайжон учун ўта муҳим жиддий масала.

Бугунги кунда харидор сохта халол махсулот сотиб олишдан химояланмаган, чунки савдо дўконларида махсулотнинг халоллигини аниқлаш имконияти йўқ.

Хозирча мутахассислар халол стандарт шартларини тасдик этиш устида бош котиришар экан, биз эса шубхали махсулотларни сотиб олишдан бошка “илож”имиз йўк.

DEVAMM маркази рахбари Гажи Илгор Иброхим ўглига мурожаат килиб, халол махсулотлар тайёрлашда шариат талаблари хакида сўрадик. У киши махсулот тайёрлашнинг барча боскичларида шариат талабларига риоя килингандагина унга “халол” деган белги кўйиш мумкинлиги хакида кўйидагиларни айтди:

Истеъмомга ярокли халол гўшт тайёрлашда маълум коидаларга риоя килиниши жумладан

- сўйилдиган мол (ёки хайвон) соғлом бўлиши

–сўйганда тезлик билан кекирдаги ва йўгон кон томирини узиш оркали молнинг танасидан конни чиқариб юборишга ҳаракат қилиш.

-сўйилганда ва сўйишдан олдин уни кийнамаслик

- бошка мол ва хайвонларни олдида сўймаслик

-пичокни хайвон олдида чархламаслик

-сўйишда молни қиблага қаратиб “Бисмиллох Аллоху Акбар” дея сўйишлик

-сўйилган молнинг танасида кон қолмаслигига эътиборни қаратиш кераклигини Илгор Иброхим ўгли таъкидлади.

Хавф хатардан сақланиш

Сўйиш олдидан кўрқиб кетган хайвоннинг танасида биокимё ва физиологик кўрсаткичлар кескин ўзгариши исботланган, жумладан катехоламин туркумидаги “кўркув гармонлари” деб аталувчи адреналин дофаминлар кўп ишлаб чиқарила бошлайди, бу вақтда сўйилган хайвон гўштини истеъмом қилиш эса инсонга зарар келтириши мумкин.

Сўйилган хайвон танасидаги қолган илик қон касал тарқатувчи бактерияларга уя бўлиши илмий жиҳатдан тасдиқланганлиги шарий қоидаларнинг нақадар тўғрилигини яна бир исботидир. Бундай гўштни истеъмом қилиш ҳар қил касалликларни келиб чиқаришига сабабчи бўлиши мумкин.

Халоллик инсонни соғлиги ва руҳига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган барча зиён захматдан асраниши учун зарурат сифатида Аллох томонидан берилган неъматдир.

Чўчка гўшти, оқизилган қон, ўлимтик, нажас еган хайвон гўшти, Аллох номи ила сўйилмаган, шариат талабларига риоя қилинмай сўйилган, тайёрлов давомида ҳаром кўшимчалар ишлатилган махсулотлар “халол” бўлмаган гўшт махсулотлари қаторига қиради, дейди Илгор Иброхим ўгли.

Унинг сўзларига қараганда Озарбайжонда асосан шариатнинг бу қоидаларига риоя қилинади.

Хусусий тадбиркорлар ҳам қатта хўжалиқларда ҳам одамлар бу қоидалардан воқиф ва имқон даражасида риоя этишга ҳаракат қилишади. Тўғри баъзан махсулот тайёрлашда шариат қоидалари бузилаётгани хакида маълумотлар келиб туради.

Доимий қузатиш мумкин бўлмаганлиги сабаб у ёки бу қорхонада шариат қоидаларига

риоя килинаётганлигини тасдиқлаш ёки инкор этиш кийин. Такводорлар ишончли кафолатланган гўшт ва гўшт махсулотларини сотиб олишга харакат килишади. Бу сохада муслмонларнинг кенг жамоатчилик асосидаги назоратини ташкил этиш мақсадга мувофик, деди мутахассис.

Абу Жамшид таржимаси